

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
MINTAQAVIY BO‘LIMI
XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI**

XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

Axborotnoma OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi 223/4-son qarori bilan biologiya, qishloq xo‘jaligi, tarix, iqtisodiyot, filologiya va arxitektura fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

**2025-4/2
Xorazm Ma’mun akademiyasi axborotnomasi
2006 yildan boshlab chop qilinadi**

Xiva-2025

Ravshanova M.M. Oliy ta'lim raqobatbardoshligini oshirishning marketing strategiyalari samaradorligini baholash	104
Raximova G.S., Xamidullayev M. Olmaliq shahrida ekologik holatning o'zgarish sabablari	107
Raximova N. O'zbekistonda mintaqaviy turizmni rivojlantirish istiqbollari	109
Shermatov A.A. The nature and features of development of investment activity in the service sector in modern economic conditions	114
Sultanov S. Improving the organizational and economic mechanism for enhancing competitiveness in the transport services market	117
Xaydarova D.Sh., Raxmatullayev O'X. Davlat byudjeti daromadlari va ularni shakllantirishning istiqbolli yo'nalishlari	121
Xaydarova E'.Sh. Qurilish materiallari sanoati korxonalari innovatsion salohiyatini baholashning o'ziga hos jihatlari	124
Xudayberganov A.X. Innovatsion rivojlantirishning mintaqa iqtisodiyotida tutgan o'rni	127
Xudayberganov M.F. Oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlashning nazariy jihatlari	132
Xolmirzayev U.A. Bilimlar iqtisodiyotining mamlakat va hududlar iqtisodiy rivojlanishidagi rolini baholashga uslubiy yondashuvlar	137
Yorqulov M.A. Turizmning ustuvor turlarini rivojlantirish va tarmoqda turizm mahsulotlarini takomillashtirish	140
Атажонов Ж.О. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кооперация алоқаларининг йўналишлари, ташкилий-иқтисодий механизми ва омиллари	144
Закимов А.М. Ўзбекистонда аграр соҳасида кооперацияни ривожлантириш ва уни самарали бошқариш-тўлақонли бозор муносабатларига ўтишнинг гаровидир	153
Курбаниязов Ш.К. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий тузилмаси ва бошқарув механизмлари	157
Сон Е.М. Пути перехода на среднесрочное бюджетирование и внедрение его механизмов в Узбекистане	167
Табаев А.З. Агрокимёвий хизматларни рағбатлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари	170
Туйчиева М.Г. Внедрение цифровых технологий в зарубежных банках: опыт и перспективы	174
Усманова Д.С., Акрамова Г.Б. Культурные различия в медиапредставлении гендера	177
ARXITEKTURA FANLARI	
Bobobekov B.Q. Zamonaviy arxitektura uslublari va yo'nalishlarning vujudga kelishi	180
Durdiyeva G.S., Zargarov A.K., Ro'zmetov R. Juma masjid me'moriy yodgarligining yog'och qurilmalariga ta'sir qiluvchi omillar tahlili	182
Hadjiyeva D.I. Xiva dizayn kodi: u mavjudmi va u qanday bo'lishi kerak?	186
Inog'omov B.I., Jumayeva S.E. Yoshlar markazi binolarining arxitekturaviy xususiyatlari	189
Kadyrova S.A., Jumayeva Sh.E., Isroilov D.A. Mehmonxonalarda tashqi va ichki go'zallik	193
Kadirova S.A., Muxsimov J.T. Arxitektura va loyihalashda bim bo'yicha rossiya taklif qilayotgan yondashuv	196
Setmamatov M.B., Jumabayeva M.S. Xiva Deshan va Ichan qal'adagi qadimgi turar joy binolarini regeneratsiya qilish bo'yicha tahlillar	205
Setmamatov M.B., Ismailov D.S. O'zbekiston hududida sabzavot va donli ekinlarni yetishtiradigan yangi binolarni yaratish bo'yicha tadqiqotlar	209
Setmamatov M.B., Olimov A.E. Yashil arxitektura asosida yangi ko'p qavatli binolarni yaratish bo'yicha tadqiqotlar	213
Джолдасов А.Б. Куйи Амударё минтақаси карвон йўллари иншоотлари типологияси	216
Машарипова С.А. Замонавий архитектура ва бионика	219
Тухтаева М.С. Зарубежный опыт в архитектурном формировании и развитии школ искусств	223
Хамидова В.А. Қишлоқ аҳоли пунктларининг жамоат марказлари ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	227

доверия со стороны населения и внешних партнёров. Несмотря на существующие вызовы и необходимость постепенного внедрения, среднесрочное планирование даёт государству важный инструмент для более гибкого и системного управления финансами, что в конечном итоге способствует устойчивому экономическому росту и социальному развитию Узбекистана.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Международный валютный фонд (МВФ). Практика среднесрочного бюджетирования: мировой опыт : [монография] / МВФ. – Вашингтон, 2020. – 246 с.
2. Всемирный банк. Middle-Term Expenditure Frameworks: Trends and Challenges / Всемирный банк. – Вашингтон, 2019. – 185 с.
3. European Commission. Public Expenditure Management and MTEF Implementation in EU Countries : [report] / European Commission. – Brussels, 2018. – 132 p.
4. Гуриев, С. М., Киючук, Р. В. Модернизация бюджетного процесса: роль среднесрочного планирования / С. М. Гуриев, Р. В. Киючук // *Финансы и кредит*. – 2017. – Т. 23. – № 18. – С. 74–85.

УЎК 528.8+574.5+581.1+630+631.8

АГРОКИМЁВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ РАВБАТЛАНТИРИШ ВА УНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙўНАЛИШЛАРИ

*А.З. Табаев, ўқитувчи, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Тошкент*

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизматлар кўрсатишининг ҳозирги ҳолати, мавжуд муаммолари ҳамда агрокимёвий хизматлар кўрсатувчиларни рағбатлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: агрокимё хизматлар, самарадорлик, рағбатлантириш, фьючерс шартномалар, кредитлаш, солиққа тортиш ва сугурталаш.

Аннотация. В статье представлено современное состояние агрохимических услуг в сельском хозяйстве, существующие проблемы, а также предложения по стимулированию и поддержке поставщиков агрохимических услуг.

Ключевые слова: агрохимические услуги, эффективность, стимулы, фьючерсные контракты, кредитование, налогообложение и страхование.

Abstract. The article presents the current state of agrochemical services in agriculture, existing problems, as well as proposals for stimulating and supporting suppliers of agrochemical services.

Keywords: agrochemical services, efficiency, incentives, futures contracts, lending, taxation and insurance.

Кириш. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабнинг ортиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бўлган эътиборнинг кучайиб бораётганлиги ва бошқа сабаблар туфайли агрокимёвий хизматлар соҳасини кенг ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бунга эришиш учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаларини янада ривожлантириш, ташкилий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш муҳим аҳамият эга. Шу боис, истиқболда “...илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш” [2] масаласи муҳим вазифа қилиб белгилаб олинди. Шу нуқтаи-назардан, қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Асосий қисм. Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари нархларини ошиши натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ўртасидаги тафовутни сезиларли номуносивилигининг вужудга келиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларига агрокимёвий хизматлар кўрсатишга бўлган харажатларни тежашга ундайди. Оқибатда кимёвий воситаларни ўз вақтида қўллаш, органик ва минерал ўғитларни солишдаги уларнинг нисбатларини бузилиши тупроқ таркибида озукка моддаларининг камайиш жараёнини кескинлаштирмоқда. Шунингдек, ғўзани гуллаш давридаги озиқлантириш вақтида ўғитнинг кечикиши ҳосилнинг 3-5 ц/га пасайишига ҳамда ғўзанинг кеч етилишига олиб келади. [4]

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига ўз вақтида хизмат кўрсатиш юқори ҳосил олиш имкониятини яратиб, эркин рақобат шароитида агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўйича буюртмачилар сонининг кўпайишини таъминлайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тармоқ ичида рақобатни ривожлантириш, монополияга барҳам бериш йўлида мавжуд муаммолар сақланиб қолиб фақатгина шакли ўзгарган. Тадқиқотлар натижасида Сирдарё вилояти фермер хўжаликлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижасида “Минерал ўғитларни ким етказиб беради?” деган саволга 88 фоизи кластерлар деб, 12 фоизи эса хусусий савдо фирмалари деб жавоб берган. Хусусий савдо фирмаларида нархнинг нисбатан арзон бўлишига қарамадан, кластердан олишига сабаб минерал ўғитга маблағнинг етмаслиги ва уни қарзга олишларини таъкидлаган. Натижада, кластер монопол сифатида шаклланган, нарх эса бозорга нисбатан 30-35 фоизга қимматлашган. Чунки, буни “Минерал ўғит нархи” қандай эканлиги сўралганда, 96 фоиз респондентлар нархнинг юқорилигини таъкидлашган. Шунингдек, органик ўғитга нисбатан кластерлар томонидан деярли маблағ ажратилмаслиги ҳолатни янада ёмонлаштирган. Демак, асосий қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи сифатида имтиёзли кредитларни фермер хўжаликларга йўналтирилиши ҳамда уни эркин тақсимлаш ёки ишлатиш ҳуқуқининг берилиши жуда муҳим аҳамиятга эга.

Агрокимёвий хизматлар соҳасини барқарор ривожлантириш учун қулай ташкилий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий ва табиий-экологик шарт-шароитларни яхшилаш мақсадида давлат томонидан рағбатлантириш ёки қўллаб-қувватланиши зарурий аҳамиятга эгадир (1-расм).



1-расм. Агрокимёвий хизматларни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватлаш йўналишлари

Агрокимёвий хизматларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, фермерларга “Минерал ўғитлар ва агрокимёвий хизматларни давлат томонидан тартибга солиб турилишига муносабатингиз қандай?” деб мурожаат қилинганда, улардан 32 фоизи муносабати яхши эканлиги билдирса, 4 фоизи бунга қарши бўлган. Шунингдек, давлат томонидан агрокимёвий хизматлар соҳасида фақатгина нархларни мувофиқлаштириб бориши керак деб 56 фоизи маъқуллаган бўлса, 20 фоизи сифатни назорат қилишни, 4 фоизи субсидия (молиявий ёрдам) беришни ва 8 фоизи кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувватлашни таъкидлашган.

Шунингдек, фақат қишлоқ хўжалиги корхоналарини рағбатлантирмасдан, фючерс шартномалари асосида хизмат кўрсатадиган агрокимёвий хизматлар корхоналари фаолиятини яхшилаш учун уларга имтиёзли кредит ажратиш ҳамда солиқ имтиёзини бериш аҳамиятлидир. Шунда, бозорда рақобатнинг ортишига ҳамда минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотларнинг нархи барқарорлашишига замин яратади. Агрокимёвий хизматлар кўрсатувчи субъектлар учун моддий-техник таъминот тизимини модернизация қилиш, хориждан янги техника ва

технологияларни мамлакатимизга олиб киришда божхона божи бўйича имтиёзларни бериш ҳамда ресурстежамкор технологияларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериш зарур. Шунингдек, агрокимёвий хизматлар кўрсатувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун куйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- агрокимёвий хизматлар сифатини яхшилаш, минерал ўғит ва кимёвий воситаларнинг сифатини қатъий назорат қилиш, соҳада рақобатни ривожлантириш учун янги ташкил топган агрокимёвий хизматлар корхоналарини ҳар томонлама рағбатлантириш;

- агрокимёвий хизматлар корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, ресурс тежамкор техникалар ва инновацион технологиялардан фойдаланишга қўмаклашиш, лизинг, кредит ва ижара муносабатлари самарадорлигини ошириш;

- агрокимёвий хизматлар корхоналарини молиялаштириш ва кредитлаш ҳамда лизинг муносабатлари учун маблағлар манбаси сифатида хусусий тадбиркорларнинг маблағлари, банк кредитлари, жамғармалар, грантлар ҳамда ҳомийлар маблағларидан кенгрок фойдаланиш.

Бунинг учун эса агрокимёвий хизматлар кўрсатувчи корхоналарни давлат томонидан молиялаш ва кредитлаш, солиққа тортиш ва суғурталаш каби йўналишларда имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал).

1-жадвал

Агрокимёвий хизматлар кўрсатишни ривожлантиришни иқтисодий рағбатлантириш йўллари

Рағбатлантириш йўналишлари	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми
Молиялаш ва кредитлаш тизимини такомиллаштириш	- барча агрокимёвий хизматлар кўрсатиш субъектлари учун сотиб олинадиган ва лизингга олинган техника ва жиҳозларини банк кредитларининг қисман ва тўлиқ қопланишини давлат томонидан кафолатлаш; - кишлоқ хўжалиги ерларини органик ўғит билан таъминлашнинг энг кам миқдордан ортиган қисми харажатларини субсидиялаш; - соҳада инвестициялар жозибадорлигини ошириш ва уларни жалб қилишни рағбатлантириш; - соҳани илмий тадқиқот ишларини давлат томонидан молиялаштириш.	- БХМ нинг 5000 бараваридан ошмаган кредитлар учун фоиз тўловларининг харажатлари, Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 7 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш; - агентлик томонидан кишлоқ хўжалиги ерларига солинган органик ўғит миқдорини аниқ мониторингини олиб бориш ва энг кам миқдордан (гектарига 5 тоннадан) ортиган қисми харажатларини субсидиялаш; - хорижий инвесторлар учун давлат кафолатини бериш; - ўсимликлар карантини ва химояси тизимини ривожлантириш жамғармасига илмий тадқиқот олиб бориш учун давлат грантларини молиялаштиришга 6262-сонли қарорда белгиланган 10 млрд. сўмдан ташқари қўшимча маблағлар ажратиш.
Солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш	- солинадиган солиқлар (ҚҚС, мулк солиғи) ставкасини камайтириш; - агрокимёвий хизматлар корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш мақсадида хорижий мамлакатлардан келтириладиган техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод қилиш бўйича имтиёзлар бериш; - солиқ таътилларини жорий этиш;	- тупроқлар таркибини ўрганувчи мобиль лабораторияларни сотиб олишдаги ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҚҚС бўйича имтиёзлар бериш; - агрокимёвий хизматлардан олинган фойданинг хизмат кўрсатишни ривожлантиришга йўналтирилган қисмини солиқдан озод қилиш ёки солиқ ставкаларини камайтириш; - агрокимёвий хизматлар корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш мақсадида хорижий мамлакатлардан келтириладиган қиймати БХМ нинг 5000 бараваридан ошмаган техника воситалари, эҳтиёт қисмлар, асбоб-ускуналар учун божхона тўловларидан озод қилиш бўйича имтиёзлар бериш; - агрокимёвий хизматлар корхоналарининг мавсумий фаолиятини ҳисобга олган махсус техникалар (пуркагичлар, ўғит сепадиган ва соладиган техникалар) бўш турган давр учун солиқ таътилларини жорий этиш.

Суғурталаш тизимини такомиллаштириш	- агрокимёвий хизматлар корхоналарининг жавобгарлиги-ни суғурта қилишни жорий этиш.	- агрокимёвий хизматлар кўрсатадиган субъектлар томонидан етказилган зарарни ёки фойдани камайишини ҳамда шартнома шартлари бажарилмаслигини суғурталаш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
-------------------------------------	---	---

Истиқболда қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ривожлантириш мақсадида агрокимёвий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш юзасидан қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизматлар кўрсатишда моддий-техника таъминоти муаммосини бартараф этиш мақсадида горизонтал ҳамда вертикал кооперативларни (молиялаштириш, моддий-техник таъминот, маҳсулот етиштириш кооперативлари ва ҳ.к.) шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда агрокимёвий хизматлар кўрсатиш корхоналарининг моддий – техника таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида лизинг муносабатларидан кенгрок фойдаланиш;

- паст рентабелли агрокимёвий хизматларнинг турлари бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидиялаш, солиқ имтиёзларини ва имтиёзли кредитлар бериш орқали рағбатлантириш;

- агрокимёвий хизматлар кўрсатувчи корхоналарда фаолият олиб борадиган ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида олий ўқув юртларида кадрларни тайёрлаш билан бирга уларни малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этиш;

- агрокимёвий хизматлар кўрсатиш корхоналарини ташкил қилишда зарур бўладиган меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда агротехника тадбирларини амалга ошириш бўйича маслаҳат берадиган маълумотлар базасини шакллантириш орқали фойдаланиш осон бўлган мобил иловаларни яратишни давлат томонидан рағбатлантириш;

- фермер хўжаликларининг молиявий ҳолати қониқарсиз бўлган шароитда буюртмачи корхоналар билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича фьючерс шартномасини тузиш ва молиявий жиҳатдан эркинлаштириш орқали ихтисослашган хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ишлашини рағбатлантириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалиги корхоналарига агрокимёвий хизматлар кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан агрокимёвий хизматлар кўрсатувчилар ўртасида барқарор алоқани таъминлаш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармонида асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси”.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
3. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти, Ўқув қўлланма, Т.: Iqtisod-Moliya, 2008. 232-бет.
4. Мухаммадиев Б.Қ. Ўсимликларни озиқлантириш ва зараркуналалардан ҳимоя қилиш. –Т., ТошДАУ Нашриёт таҳририят бўлими, 2016, 237 бет.
5. Мухаммадиев Б.Қ. «Ширкат ва фермер хўжаликларида органик ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш». «Янги аср авлоди», 2005. 68 б.
6. Tabaev A. State and development prospects of the agrochemical industry of the republic of Uzbekistan, Scientific journal Economics and Finance, 2018. №9. 111-116 betlar
7. Tabaev A. Methods for effective use of material and technical base of agrochemical services enterprise, Sustainable Agriculture jurnali, 2(10)-2021, 16p.
8. Tabaev A. Improving the organizational and economic basis of agrochemical service in Uzbekistan, International journal on economics, finance and sustainable development журналы, ISSN (electronic): 2620-6269/ISSN (printed): 2615-4021
9. Табаев А. “Қишлоқ хўжалигида агрокимё хизмати кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш”, Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 2022-5/4, 53-58 бетлар
10. FAO. 2022. FAOSTAT: Fertilizers by Nutrient. In: FAO. Rome. Cited October 2022.